

УНАБИ ЦУКАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ САМАРАЛИ МАҲАЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ



УНАБИ МЕВАСИДАН ЦУКАТ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ-НИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ:

Унаби мевасидан тайёрланган цукат маҳсулоти аҳоли учун янги ва тайёрланиши қулай бўлиб, бунда ҳар бир хонадон эгалари ўз таморқаларида унаби мевасини етиштириб, цукат тайёрлаш имкониятига эга.

Унаби мевасидан тайёрланган цукатлар сифати ва шифобахшли хусусиятлари билан Араб мамлакатларидан келтириладиган “Эрон хурмоси” билан рақобатлаша олади. Бундан ташқари унаби цукати экспортбоп даражасидаги қайта ишланган маҳсулотга айланиши мумкин.

Цукат тайёрлаш технологияси мураккаб бўлмаганлиги ва кам харажат эканлиги унинг афзаллигидир.

Ишланманинг мазмун ва моҳияти

Ўзбекистонда етиштирилаётган унаби мевасидан юқори сифатли қайта ишланган цукат маҳсулоти тайёрлаш натижасида аҳолини йил давомида унаби мевасининг қайта ишланган сифатли маҳсулоти билан таъминланади.

Унаби мевасининг таркибида рутин моддаси кўпчилиги сабабли у қон босими ошган кишилар (гипертониклар) учун жуда фойдалидир. Чунки рутин моддаси қон томирларини кенгайтиради, уларни деворларини мустаҳкамлайди.

Унаби меваси хўл ҳолда, қуритилган ва қайта ишланган ҳолда истеъмол қилинади. Айниқса унаби меваси шакар қиёмида пиширилиб, қуришиб истеъмол қилингани ноёб ҳисобланади.



УНАБИ МЕВАСИДАН ЦУКАТ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚўЛЛАШ НАТИЖАСИДА

Асосий илмий кўрсаткичлар

Унаби мевасини қайта ишланиб тайёрланган цукати аҳолини табиий доривор маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиради. Истикболли экспортбоп маҳсулот ҳисобланади.

Ишлаб чиқариладиган илмий маҳсулот

Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан цукат тайёрлайдиган кичик корхоналар ташкил қилинади ва аҳоли иш билан таъминланади. Қайта ишлаш ва қандолатчилик саноатида ҳам цукат тайёрлаш технологияси кенг қўлланилади.

Қўлланиш соҳаси

Қишлоқ хўжалик, Озиқ-овқат, Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши, қайта ишлаш корхоналари.

Иқтисодий самарадорлик

Унаби мевасидан 60% тайёр маҳсулот олинади. Қайта ишлаш корхоналари, фермер хўжаликлари ва томорқа хўжаликларидан унаби цукати тайёрлаш натижасида юқори даромад олади ва ички бозор ҳамда экспорт ҳажми 10-15% ошади.



Лойиҳанинг аҳамиятлилиги

➤ Уруғли, данакли ва субтропик мевалардан тайёрланган сифатли цукат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда кам миқдорда ишлаб чиқарилади (тахминан 10-20%) ва ушбу маҳсулотлар ресурстежамкор экологик тоза, сақлаш даврида ҳўл мевага нисбатан кам жойни эгаллаши ва узоқ муддат сақланиши хисобига юқори нарҳларга сотиш имконини беради.



Лойиҳа манзили

Фарғона илмий-тажриба станцияси

Лойиҳа мақсади

➤ Республикадаги мавжуд мевали боғларда меваларни ёппасига пишиш даврида меваларни нес-нобуд бўлишини олдини олиш мақсадида юқори сифатли харидоргир цукат маҳсулоти тайёрлаш ҳамда тайёр экспортбоп экологик соф маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат.

Ишланма муаллифи

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-таддикот институти Фарғона илмий-тажриба станцияси

Тижоратлаштириш усули

Кластерлар ва фермер хўжалиги



Лойиҳа қиймати: млн. сўм,



Лойиҳа қуввати: буюртмага асосан



Ишлаб чиқарилган маҳсулот: тонна



Лойиҳа қоплаш муддати: йил

